

РАВШАНОВ Ўктамали Рустам ўғли
Навоий давлат педагогика институти докторанти
powerravshanov@mail.ru

БУХОРО ҲУСАЙНИЯЛАРИ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ ХУСАЙНИЯ-ХОНЫ БУХАРЫ

THE HISTORY OF HUSAINIAKHANA OF BUKHARA

Аннотация. *Бухоро эронийларининг асосий диний маросимлари ҳусайнияларда ўтказилади. Мақола Бухорода сақланган энг қадимий шиаларнинг масжид ва хусайнияси архитектураси ва тарихига бағишланган. Бухорода мавжуд ҳусайниялар архитектураси илмий муомалага жалб қилинмаётган мавзу бўлганлиги эса ишнинг долзарблигини оширади Тадқиқотда эронийларни шиалик билан боғлиқ асосий маросимлари ва унинг баъзи асосий аспектларини қисқача келтирилади.*

Калит сўзлари. *Бухоро, ҳусайния, шиа, гузар, шайх, тўқувчилик, гулобхона, дебоча, миниатюра, зиёратнома.*

Аннотация*. Основные религиозные обряды бухарских иранцев проводятся в особых помещениях (хона) — хусайниях. Статья посвящена архитектуре и истории древнейшей шиитской мечети и хусайния-хоны, сохранившихся в Бухаре. Тот факт, что существующая архитектура хусайния в Бухаре представляет собой тему, ранее не подвергавшуюся научному исследованию, повышает актуальность работы.*

Ключевые слова. *Бухара, хусайния, шиизм, гузар, шейх, шитье и ткачество, гулабхона, преддверие, миниатюра, зиёратнома (описание святыни).*

КИРИШ

Бухоро Эрон ва Туронни бирлаштирган тарих ва маданиятлар кесишган макондир. Бухорода қадимдан турли миллат ва дин вакиллари яшаб келишган. Бу ерда турклар, эронийлар, араблар, яҳудийлар, ҳинд, хитойлар ва бошқа халқлар бирга яшашган. Бухоро яҳудийлари кенг қамровли илмий тадқиқотларга тортилган. Бухоро яҳудийлари фақат шаҳарларда истиқомат қилишган. Бухоро эронийлари эса шахар марказлари ва воҳа бўйлаб яшаб келишмоқда. Аммо Бухоро вохасида яхудийларга нисбатан эронийлар кенг тарқалган бўлиб, тадқиқотда эронийларни бирлаштирувчи ҳусайниялар ҳақида сўз юритилади. Қадимдан Бухоро ҳудуди кўп миллатлар ва динлар вакиллари учун бир макон вазифасини бажарган. XX аср бошларига қадар Бухоронинг энг қадимги маҳаллий эроний халқлари турли (асосан, яшаб келган ва кўчиб келган ҳудуд) номлар билан аталиб келган. Кейинчалик олимлар томонидан бу халқларга “эроний” атамасини умумий маънода ишлатиш шакилланди. Бу халқларнинг ажратиб турувчи асосий белги уларнинг диний қарашлари ҳисобланган. Бухорода эроний шиаларнинг тарқалиши Сомонийлар давридан олдин бошланиб, барча даврларда ҳам мавжуд бўлган [1;83].

АСОСИЙ ҚИСМ

Биз ушбу тадқиқотда XVIII аср охирги чорагини Бухорода эронийлар диаспорасининг шаклланиши деб беглгиладик. Халқ учун маълум бир маконда ижтимоий-маданий марказларнинг шаклланиши – уларни узоқ даврлар давомида бирлаштириш ва яшовчанлигини асослайди. Бу алоҳида тадқиқот муаммоси бўлганлиги сабабли бу ерда тўхталмадик.

Халқ бирлигини, анъаналарини сақловчи авлоддан авлодга етказувчи муҳим макон бу эронийларда Ҳусайния ҳисобланади. Бухоро хусайниялари ўзига хос услубда шаклланган. Ҳозирда Бухородаги энг қадимий хусайния XIX аср бошларига тегишли бўлиб, Бухоро шаҳрига яқмн Тор тор маҳаллада жойлашган. Умуман олганда Бухорода жами 5 та ҳусайния мавжуд. Ҳозирда улардан фақат биттаси фаолият юритмоқда. Хусайнийхоналарда шиа жамоасига раҳбарлик қилувчи кишилар “шайх” деб юритилган. Улар нафақат диний балки турли маросим, маҳалладаги турли масала ва бошқа жамоат ишларига ҳам раҳбарлик қилишган.

Бухоро шахрининг Жуйбор мавзейида XVI асрдан бошлар эронийлар истиқомат қила бошлашган. Улар ўзларининг диний алоҳидалигини сақлаб қолишган ва ҳусайниялар ҳам бунёд этишган. Уларнинг асосий касби мато тўқиш ва мисгарликдан иборат эди. Шунингдек, амирлик қўшинида ҳам уларнинг аксарияти хизмат қилишган.

XVIII асрга келиб эронийлар асосан Бухоро шахрининг жанубий қисмида Жуйбор ва Хиёбон мавзесида истиқомат қилишган. Шаҳар деворидан ғарбда Қумработ ва жанубда Афшор махаллада ҳам баъзи гурухлар истиқомат қилишади. Шунингдек, улар шаҳарнинг ғарбий қисмида ҳам қисман яшашган. Бухоро эски шаҳарининг марказида жойлашган Тўпхона ва Дўст Чухра оғаси маҳаллаларида эронийларнинг энг аввалги жамоалари истиқомат қилишган.

XIX аср охири XX аср бошларида эроний шиаларнинг кўплаб маросимлари ичида шахсей-вахсей (Шоҳ Ҳусайн - Воҳ Ҳусайн) маросими кенг кўламда ўтказилиш ҳолатлари ҳам бўлиб турган. Ҳусайниялардан асосан Муҳаррам ойининг 10 кунлигида Ашуро (араб тилида 10 маъносида) мотам (Имом Ҳусайн ва унинг жамоаси Ироқнинг Карбало даштида қатл қилинган кун)маросимида 40 кунгача фойдаланишган. Охирги вақтларда шаҳарнинг Самарқанд ва Ширгарон дарвозалари ташқарисида очиқ майдонда оммавий мотам маросими ўтказилган [2:160]. Маросимнинг асосий ҳолатларидан бири “занжирзан” (инсон ўзини махсус дастакка бир неча калта металл занжирлар бириктирилган калтак билан елка оқасидан уриш) бўлиб ўтган. Қуйида ҳусайниялар жойлашган маҳаллаларни бирма-бир санаб ўтамиз.

Дасторбандон (салла боғловчилар) гузарида бир неча эронийлар оиласи бўлиб, уларнинг асосий машғулоти турли ипак матоларни тўқиш бўлган. Бу ерда салла тайёрловчиларнинг оиласи ҳам истиқомат қилган. Гузарда ҳусайния ҳам қурилган. Ҳозирги кунда бу гузарда Хўжа Мир Али масжиди ва ҳусайнияси фаолият юритмоқда.

Хавзи бобо Ниёз (Жуйзар) ҳусайнияси. Бухоро эски шаҳар қисмида **Хавзи бобо Ниёз** гузарида асосан эронийлар истиқомат қилишган ва шахарнинг жанубий қисмида шу ерлик Домулло Ризо уйида ҳам ҳусайния очилган. Яъни Ашуро учун махсус бинолар қурилмаганда ёши улуғ, жамоада ҳурматга эга, маълум диний билимларга эга кишиларнинг катта хонали уйларида маросим бўлиб ўтган.

Таи Чорбоғ (Гузари Нав) –маҳалла амир Насриллохон чорбоғининг ёнида жойлашганлиги сабабли шундай аталган. Бу гузарда тўлиқ эронийлар истиқомат қилган бўлиб, асосий машғулоти пахта ва ярим ипак матоларни тўқишдан иборат бўлган. Шунингдек, зираворлар ва майда савдо ишлари билан ҳам шуғилланишган. Матоларни терма услубида (Эроннинг Язд ва Ҳиндистоннинг Кашмир шаҳарларида бундай матолар тўқилган) тайёрлашган. Бу гузарда шиалар жамоасининг диний бошлиғи шайх Мадқосим (Марнади Қосим ёки Машхади Қосим) ҳам яшаган. У ўз уйида ҳудудида шиалар жамоаси учун ҳусайния ва ҳаммом қурган. Аёлларга эса шайх Мадқосимнинг аёли раҳнамолик қилган. Бу бино асосан Ашура ойида бўлиб ўтадиган тазия маросимлари учун қурилган. Бошқа вақтларда бу ерда диний китоблар ўқиш учун жамоа йиғилган. Бу ҳусайния Шайх Муҳаммад Қози деб ҳам юритилган [3:54]. Ҳозирда йирик Ҳусайния биноси, ертўласи ва хаммоми сақланган.

Ҳовузи баланд гузари. Бу гузарда ҳам асосан эронийлар яшашган. Гузар аҳолисининг сосий машғулоти ипакчилик бўлган. Шайх Абдулхолиқ уйида ҳусайния ташкил этилган бўлиб, фақат ашура ойида диний маросимлар ўтказилган. О.Сухарева ўз тадқиқотларида бу ҳусайнияни шаҳардаги энг кўҳнаси деб кўрсатади [2:160].



Тор-тор маҳалла ҳусайнияси иккинчи қавати. Фото Ш.Болтаев. 2006.

ISSN 2181-9572

Моркуш (Ўрдайи маврихо) гузари. Бу гузарнинг бир қисмида эронийлар истиқомат қилган бўлиб, уларнинг бир қисми ширинликлар тайёрлаш ва сотиш билан шуғилланган, яна бир қисми зиравор ва адрас матоларни сотишган ҳамда сипоҳликка ёлланишган. Гузарда тахминан XX аср бошларида Бухородаги энг йирик ҳусайния қурилган. Собиқ иттифоқ даврида макарон завод шу бинода ва унинг атрофида фаолият юритган.

Тўпхона гузари. Бу ерга эронийлар Жўйбор мавзесидаги эронийларга нисбатан олдинроқ келиб ўрнашишган. Асосий машғулотлари пиллакашлик, шохибофлик ва бахмалбофлик бўлган [4:223]. Шунингдек, гузар аҳолисининг бир қисми дурадгорлик ва тош терувчилик билан шуғулланган. Гузардаги эронийлардан бирининг уйида аёллар ва эркаклар учун алоҳида ҳусайния ҳам қурилган эди.

Афшор маҳалла ҳусайнияси Нодиршоҳнинг Бухоро ҳудудига 1740 йилги юриши даврида ўзи билан олиб келган аскарларининг бир қисмини Бухоро шаҳри атрофига жойлаштириб кетади. Ушбу даврдан бу афшор маҳалла шаклланди ва бугунги кунгача мавжуд бўлиб, бу ерда ҳусайния сақланган. Бино Собиқ Иттифоқ даврида мактаб сифатида фойдаланилган. Ҳозирда ёпиқ ва маданий мерос обектлари рўйхатига киритиш ишлари олиб борилмоқда.

Зирабод хусайнияси. Амир Шохмурод даврида (1785-1800) Марв ва Эроннинг шимоли шарқий қисмлари бир неча бор босиб олинади. Туб жой аҳолиси қаршилик кўрсатиши натижасида амир уларни Бухоро ва Самарқанд ҳудудларига кўчириб келтиради. Уларнинг бир қисмига Бухоро шаҳри атрофидаги, ҳозирги Когон тумани ҳудудига қарашли ерлардан жой беради. Шу вақтдан бошлаб бу ерлар Зиробод деб номланди ва шиа оқимига мансуб эроний кишилар шу ерда яшаб қолишди. Қишлоқ марказидаги масжид ва ҳусайния шу даврдан фаолият кўрсата бошлади. Собиқ Иттифоқ даврида Зирабод хусайнийхонаси кутубхона ва клуб вазифасида фойдаланилган. Ҳозирда эски масжид ва ҳусайния бузилиб, ўрнида янгилари қурилган.

XX аср ўрталарида Бухорода бирорта ҳам хусайнийхона фаолият кўрсатмаган. Уларнинг бинолари турли ташкилотларга мактаб, клуб, кутубхона, омборхона сифатида ва фабрикаларга ҳам берилган. Ўзбекистон



Хўжа Мирали масжиди. Фото Ш.Болтаев. 2006.

мустақиллик эришгач диний амаллар учун кенг эркинликлар берилади. Шу даврда ҳусайнияларни ҳам очишга ва янгиларини қуришга рухсат берилган. Масалан, Тор-тор маҳалласида 1991 йилда янги масжид қуриб аҳолига топширилган.

Тор-тор маҳалла ҳусайнияси. Бу жой Бухоро шаҳридан ғарбдаги ва ҳатто шаҳарда истиқомат қиладиган эронийларни ҳам бирлаштириб турган. Ҳусайния тарихи яқин 300 йилни қамраб олган бўлиб, бу ерлик кексаларнинг айтишича, мажмуани Зирободлик Оғо Саид Хожи Исмоил бунёд етган. Мажмуа жуда йирик бўлиб, дарвозадан кирганда кичик дахлиз, ундан фақатгина иккинчи қаватга чиқиш учун ёғоч зина мавжуд. Дахлиздан тўғри ёпиқ ҳовлига кирилади. Марказда усти тўртбурчак ёғоч гумбазли ёпиқ ҳовли бўлиб, атрофи алоҳида хоналардан иборат. Оёқ ости пишган ғиштдан терилган. Гумбаз остида қудуқ ҳам сақланган. Дахлиздан чапдаги хона шарбатхона (гулобхона) деб номланиб, ичкари ҳовлига қараган тўртта бағдоди эшикдан иборат. Усти



Зиробод ҳусайниясида Ашуро. Фото Ш.Болтаев. 2005.

ёғоч вассалик болорлар билан чўпкори услубда тикланган.

Хонада маросимлар учун керакли идишлар ва махсулотлар сақланган. Ёпиқ ҳовлининг ўнг ва чап томонида биттадан кичик ва биттадан узун хоналар ўрин олган. Ёпиқ ҳовли юқорисида энг йирик хона бўлиб, унда минбар ва ҳусайнияга ихлос билан вақф (тухфа) қилинган ашёлар, Ҳазрати Али ва у кишининг авлодлари зиёратгоҳлари қабрлари суратлари, аълам, дебочалар ҳам сақланган. Ашура маросимида деворларга уриладиган лавҳалар ҳам шулар жумласидандир. Ҳусайниянинг биринчи қаватида эркаклар намоз ўқишса, аёллар учун иккинчи қават ҳам асосан айвон шаклида қурилган бўлиб, уч томони айвон ва юқоридаги хона баланд қилиб қуриланлиги сабабли ва имом шу томонда туришини инобатга олиб иккинчи қавати қурилмаган. Иккинчи қаватнинг ички ҳовли томони устинлар билан ўралган ва ашура вақтида олд томони парда билан ёпилган. Умумий бу ерда хусайнийхона, масжид, тобутхона, шарбатхона каби мажмуа жойлашган.

ХУЛОСА

Бухоро шаҳри ва унинг атрофи бўйлаб жойлашган эронийлар ашуро маросимларини махсус ҳусайнияларда ёки бирон йирик уйларда ўтказишган. Маросим узоқ вақт кеча ва кундуз давом этган. Бу вақтда марсиялар, наҳвалар, турли афсоналар, Карбало воқеаларига бағишланган тарихлар, шеърларни ўқишган ва шу ерда ижод қилишган. Маросим билан боғлиқ турли ашёлар (турли асарлар, занжир, панжа, катиба, зиёратнома, аълам...) эса бу халқнинг моддий маданиятидан намуналар сифатида ҳозиргача сақлаб келинмоқда. Умуман олганда ҳусайниялар маҳаллий эронийлар тарихини ўрганишда муҳим обект ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи / Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Т., 1966. – Б. 83.
2. Сухарева О.А. Бухара (XIX – начала XX в.). – М.: 1966. – С.160.
3. Люшкевич Ф.Д. Этнографическая группа ирони // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. – С. 54.
4. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – М.: 1976. – С. 223.

ISSN 2181-9572